

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**36** **Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил  
16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-5*

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаб, ахлат ташлаш жойларига чиқаришни махсус автомобилларда транспортировка қилиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ходимларига бўлган малакавий талабларни содда-лаштириш ҳисобига, коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятида қулай шароитларни яратиш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2006 йил 6 сентябрдаги 98-сон буйруғи (рўйхат рақами 1626, 2006 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 403-модда) билан тасдиқланган Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисидаги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**36-37-моддалар**

**— 26 —**

**3 (555)-сон**

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ в.б.**

**Ш. ШОВАҲОБОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 10 январь,  
7-сон